

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ****Б.И. Ўринбоев***Иқтисодиёт магистри, ТИФ Миллий банки*

Аннотация: Кредитлар Ўзбекистон тижорат банклари активларининг таркибида энг юқори салмоқни эгаллайди. Шу сабабли, кредитларнинг даромадлилигини таъминлаш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мақолада республикамиз тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, даромад, захира, фоиз ставкаси, инфляция, девальвация, ресурс.

Аннотация: Кредиты занимают самый большой удельный вес в структуре активов коммерческих банков Узбекистана. Поэтому, обеспечение доходности кредитов имеет важное практическое значение в обеспечении финансовой устойчивости коммерческих банков.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением доходности кредитов коммерческих банков республики и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, кредит, доход, резерв, процентная ставка, инфляция, девальвация, ресурс.

Annotation: Loans occupy the largest share in the structure of assets of commercial banks in Uzbekistan. Therefore, ensuring the profitability of loans is of great practical importance in ensuring the financial stability of commercial banks.

The article identifies current problems associated with ensuring the profitability of loans from commercial banks of the republic and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, loan, income, reserve, interest rate, inflation, devaluation, resource.

Кириш

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Материаллар ва методлар

Мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотларидан, хориж ва маҳаллий тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидан ҳақмда Марказий банкнинг амалдаги йўриқномаларидан фойдаланилган.

Шунингдек, тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш масаласини тадқиқ қилишда илмий таҳлилнинг эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Ж.Синки ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланиб хулоса қиладики, кредитларнинг даромадлилигини таъминлашда кредитлар бўйича соф йўқотишларнинг жами кредитларга нисбатан даражасининг ўзгариши муҳим ўрин тутди. Бинобарин, соф йўқотишлар даражасининг ошиши даромад келтирмайдиган кредитлар миқдорининг ортганлигидан далолат беради [2].

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг кредитлардан оладиган фоизли даромадлари рискларни бошқариш тизимига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, банкларнинг кредит портфелини ликвидлилик rischi, фоиз rischi, кредит riskига берилувчанлиги кучлидир [3].

Н.Валенцеванинг хулосасига кўра, кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади. Хусусан, фоизли спрэд миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаиг фоизли маржа ҳисобланади. [4].

Ландо ва Скодберг биргаликда ўтказган эмпирик тадқиқот натижаси кўрсатдики, рейтинглар ўртасидаги ўтиш матрицаларини (миграция матрицалари) ва улар асосида экстраполяцияларни баҳолаш юқори рейтингли кредит портфеллари учун, шу жумладан, паст дефолтли кредит портфеллари учун дефолт мақомига ўтишни аниқ баҳолаш имконини беради [5].

Б.Зилберфарбнинг хулосасига кўра, кредит riskини бошқариш амалиёти такомиллашган шароитда, овердрафт кредити тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи актив бўлиб ҳисобланади. Лекин, бошқа томондан, овердрафт кредити реал таъминотга эга бўлмаган юқори riskли актив ҳисобланади [6].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, нейтрал/мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш кредитлар даромадлилигининг барқарор даражасини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади [7].

Ф.Холмаматовнинг тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилган ва қуйидаги хулосани шакллантирган: тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қониқарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача [8].

Н.Каримовнинг фикрига кўра, инвестицияларни тижорат банклари орқали кредитлашдаги муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қимматли қоғозларни гаровга олиш йули билан берилган инвестицион кредитлар буйича гаров объектини сотишда эҳтимолий йўқотишлар захирасини ссуданинг тўланмаган қийматидан чегириб ташламаслик зарур;

– хорижлик таъминотчилар томонидан сифатсиз ускуна ва механизмлар етказиб берилишининг олдини олиш мақсадида хорижий банклар томонидан етказиб берилаётган ускуна ва механизмларнинг сифати юзасидан бериладиган кафолатларни олиш лозим;

– Ҳукумат кафолати билан олинадиган халқаро кредитлар ролининг ошиб бораётганлиги, синдициялаштирилган кредитларни жалб этиш ва улардан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича кескин чоралар кўрилиши тақозо этилади [9].

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ва кредитлардан олинган фойзли даромадларнинг жами фойзли даромадлардаги улушининг барқарорлиги таъминланган.

1-жадвал

«Deutsche Bank»нинг (Германия) кредитлари миқдори ва даражаси¹

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлар миқдори, млрд. евро	401	429	449	442	485	496
Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	27,2	31,8	34,6	33,4	36,7	37,1

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2020-2022 йилларда «Deutsche Bank» кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, кредитлар миқдори 2022 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, «Deutsche Bank» кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи таҳлил даврида барқарор бўлган.

Таҳлиллар кўрсатдики, Дойче банкда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг миқдори сўнгги 5 йил давомида (2017-2022йй.) ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегарасидан паст бўлган. Бу эса, кредитларнинг даромадлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шуниси аҳамиятлики, Германия банк амалиётида таснифланган кредитларни фақат 3 тоифаси бўйича захира ташкил қилинади. Яъни фақатгина субстандарт тоифасига мансуб кредитлар кредит суммасининг 20 фоизи, шубҳали тоифасига мансуб кредитлар суммасининг 50 фоизи ҳамда, умидсиз тоифасига мансуб кредитлар суммасининг 100 фоизигача захира шакллантирилади.

¹ Жадвал Annual Reports. Consolidated Balance Sheet www.db.com («Deutsche Bank») маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал

«Deutsche Bank»нинг (Германия) кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори ва даражаси²

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. евро	13,0	13,8	11,4	10,5	14,1
Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлардаги улуши, %	52,4	74,6	69,9	72,9	54,7

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, «Deutsche Bank»нинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада (8,5 %) кўпайган.

Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида «Deutsche Bank»нинг фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган кредитлардан олинган фоизли даромадларининг салмоғи нисбатан юқори ва барқарор бўлган.

3-жадвал

Ўзмилийбанк томонидан sanoat корхоналарига берилган кредитлар ва уларнинг даромадлилик даражаси³

Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
Саноат корхоналарига берилган кредитлар миқдори, млрд. сўм	10 344	15 071	20 899	21 967	28 181
Саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражаси, %	14,6	15,4	16,1	16,3	19,4

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзмилийбанк томонидан sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. шунингдек, sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражаси ҳам таҳлил даврида ошиш тенденциясига эга бўлган.


Ўз навбатида, 2018-2022 йилларда sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражасини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

*кредитлар миқдорининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги

*кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатини жами фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги.

² Жадвал Annual Reports. Consolidated Statement of income. www.db.com («Deutsche Bank») маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Жадвал муаллиф томонидан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда тузилган.



1-расм. ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда

1-расмда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадигани, 2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлган.

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақола устида ишлаш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг кредит портфелини сифатини ошириш масаласини мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилганлиги тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради;

*кредитлар бўйича фоиз ставкасини банк маҳсулотлари таннариhini пасайтириш йўли билан фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш ва мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлашнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади;

*2020-2022 йилларда «Deutsche Bank» кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда. 2022 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

*2020-2022 йилларда «Deutsche Bank» кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи барқарор бўлган.

*«Deutsche Bank»нинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайгани ҳолда, таҳлил қилинган давр мобайнида унинг фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган кредитлардан олинган фоизли даромадларининг салмоғи нисбатан юқори ва барқарор бўлган;

*Ўзмилийбанк томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражаси ҳам таҳлил даврида ошиш тенденциясига эга бўлган;

2018-2022 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори бўлган.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим

1. Тижорат банкларининг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг фоизли даромадларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш керак; иккинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатини жами фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан паст бўлишига йўл қўймаслик зарур; учинчидан, кредит рискинни баҳолаш бўйича “стандартлашган ёндашув”ни амалиётга жорий этиш йўли билан йирик кредитлар бўйича кредит рискинни даражасини пасайтириш лозим.

2. Берилган кредитларнинг даромадлилиги билан кредитларнинг рискларга таъсирчанлик даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун, биринчидан, кредит рискинни тавсифловчи кўрсаткичларнинг (кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, муаммоли кредитларнинг акциядорлик капитали ва захира ажратмалари йиғиндисига нисбатан даражаси) меъёрий даражасини таъминлашга эришиш лозим; иккинчидан, таъминотсиз бериладиган кредитлар бўйича (овердрафт, контокоррент) кредит олувчиларга ҳар ойнинг сўнгги иш кунида талаб қилиб олинган депозит ҳисобрақами ва контокоррент ҳисобрақамининг кредитли қолдиғини таъминлаш мажбуриятини юклаш керак; учинчидан, кредит портфелининг сифатини миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолаш аниқлигини ошириш зарур.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини баҳолашда қўлланиладиган миқдорий кўрсаткичлар кредит портфели бўйича рисклар даражасини ҳам, даромадлилик даражасини ҳам баҳолаш имконини беради. Бироқ, амалиётда айрим ҳолларда кредит портфелининг сифатини баҳолаш аниқлигини ошириш муаммоси юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – С.496.

3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.
4. Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.
5. Lando D., Skodeberg T. Analyzing Rating Transitions and Rating Drift with Continuous Observations // Journal of Banking and Finance. – 2002. – Vol. 26 (2–3). – pp. 423–444.
6. Zilberfarb B. Overdraft banking: An empirical analysis//Journal of Banking & Finance. - Volume 13, Issue 6, December 1989, Pages 869-881
7. Barsky R., Justiniano A. and Melosi, L. The Natural Rate of Interest and Its Usefulness for Monetary Policy. American Economic Review, 2014. – 104(5), – P. 37–43.; Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. International Journal of Central Banking, 2017. –13(3). – P. 55–89.
8. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.
9. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 40 б.